

ПЕДАГОГИК МОДУЛЛИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

Худайқулов Хол Жумаевич

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Педагогика ва умумий психология” кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори.

Одабобоев Фазлиддин Баҳридин ўғли

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти "Бошлангич таълим методикаси" кафедраси доктаранти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7294368>

Аннотация. Уибу мақолада инновацион таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиши самарадорлигини ошириши юқори савиядада ўқитишини таъминлаш имкониятлари ҳақида сўз юритилар экан, таълим муассасалари, ўсиб келаётган шахсни ўқитиши жараённида уларга янги таълим олии шароитлари ва имкониятларини яратишни усуслари кўрсатиб берилган. Таалabalарнинг билимга эҳтиёжлари ва қобилиятларини шакллантириши ҳамда ривожлантиришига қаратилган ўқитиши ўқитувчидан ўз ишига замон талаби асосида фаолият кўрсатиши ва масъулиятини оширишини талааб этади. Шунга кўра инновацион модулли таълим технологияларини ривожлантириши ҳақида муаллиф сўз юритади.

Калим сўзлар: Таълим, инновация, модулли ўқитиши, инновацион ахборот, информацион, муаммоли таълим, интерфаол, масофавий таълим, таълим технологиялари, “ортфолио”, “Ассесмент”, Изоҳли лугат, Муаммоли вазият, Ижодий иши ва Тест, ўқитувчи фаолиятини, масъулияти.

ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В МОДУЛЬНОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ОБУЧЕНИИ

Аннотация. В данной статье говорится о возможностях повышения эффективности обучения на основе использования инновационных образовательных технологий и обеспечения высокого уровня образования, показаны способы создания в учебных заведениях новых образовательных условий и возможностей для них в процессе обучения растущего человека. Обучение, направленное на формирование и развитие потребностей и способностей учащихся в знаниях, требует от учителя действовать и повышать свою ответственность за свою работу, исходя из требований времени, в связи с чем автор говорит о развитии инновационных модульных образовательных технологий.

Ключевые слова: Обучение, инновация, модульное обучение, инновационная информация, информативность, проблемное обучение, интерактивное, дистанционное обучение, образовательные технологии, «портфолио», «Оценка», Толковый словарь, Проблемная ситуация, Творческая работа и Тест, деятельность учителя, обязанность.

PRIORITY DIRECTIONS OF INNOVATIVE DEVELOPMENT IN PEDAGOGICAL MODULAR TEACHING

Abstract. This article talks about the possibilities of increasing the effectiveness of teaching based on the use of innovative educational technologies and providing high-level education, educational institutions are shown ways to create new educational conditions and opportunities for them in the process of training a growing person. Education aimed at forming and developing students' knowledge needs and abilities requires the teacher to act and increase

his responsibility for his work based on the demands of the times. Accordingly, the author talks about the development of innovative modular educational technologies.

Key words: Education, innovation, modular teaching, innovative information, informative, problem-based education, interactive, distance education, educational technologies, "ortfolio", "Assessment", Explanatory dictionary, Problem situation, Creative work and Test, teacher's activity, responsibility.

КИРИШ

Бугунги кунда Педагогика фанининг тараққиёти бевосита инновацион таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини ошириш даврининг асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мақоланинг **кириш қисмида** педагогик модулли ўқитишида инновацион тараққиётнинг устувор йўналишлар ва уни шакллантириш асосий мақсад қилиб кўрсатилган. Шу сабабли инновацион таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини ошириш юқори савияда ўқитишини таъминлаш ва малакали кадрларни замонавий таълим дастурлари асосида тайёрлашдан иборат. Инновацион таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини ошириш обьекти – барча узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият юритаётган таълим муассасалари бўлиб, унда амалга ошириладиган асосий таълим-тарбия жараёнлари ҳисобланади. Педагогик модулли ўқитишида инновацион тараққиётнинг устувор йўналишлари ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг **назарий жиҳатларга** тўхталиб ўтамиш. Таълим муассаси ўсиб келаётган шахсни ўқитиш жараёнида уларга таълим олиш шароитлари ва имкониятларини яратади. Талабаларнинг билимга эҳтиёжлари ва қобилияtlарини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга қаратилган бўлиши ўқитувчи фаолиятини ва масъулиятини оширади. [6,54.]

МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Луғавий жиҳатдан «инновация» тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда («innovation») «янгилик киритиши» деган маънони англатади. Мазмунан эса тушунча негизида «инновация» тушунчаси муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолиятни ифодалайди. Инновацияларнинг асосий қўринишлари қўйидагилар саналади: - янги ғоялар; - тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар;

- ноанъянавий ёндашувлар; - одатий бўлмаган ташаббуслар; - илгор иш услублари. Таълим инновациялари – таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар. Таълим инновациялари «инновацион таълим» деб ҳам номланади. «Инновацион таълим» тушунчаси биринчи бор 1979 йилда «Рим клуби»да қўлланилган. Таълим инновациялари бир неча турга ажратилади. Улар: 1. Фаолият йўналишига кўра: педагогик жараёnda ёки таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган инновациялар.

2. Киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра: радикал, модификацияланган ҳамда комбинацияланган инновациялар.

3. Ўзгаришларнинг кўламига кўра: тармок (локаль), модул ва тизим инновациялари.

4. Келиб чиқиш манбаига кўра: жамоа томонидан бевосита яратилган ёки ўзлаштирилган инновациялар. Таълим тизимида ёки ўқув фаолиятида инновацияларни қўллашда сарфланган маблағ ва кучдан имкон қадар энг юқори натижани олиш мақсади кўзланади. Инновацияларнинг ҳар қандай янгилиқдан фарқи шундаки, у бошқариш ва назорат қилишга имкон берадиган ўзгарувчан механизмга эга бўлиши зарур. Барча соҳаларда бўлгани каби таълимда ҳам «новация», «инновация» ҳамда уларнинг моҳиятини ифодаловчи фаолият тўғрисида сўз юритилади. Агар фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиб, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат қилса, у новация (янгиланиш) деб юритилади. Борди-ю, фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилса, у ҳолда у инновация (янгилик киритиш) деб аталади. Асосий фарқлар Новация Инновация 1) амалдаги назария доирасида қўлланилади;

2) кўлам ва вақт бўйича тизимли, яхлит ва давомли бўлади; 3) маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди; чегараланади;

- 4) методлар янгиланади; натижа аввалги тизимни такомиллаштиради, субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади;
- 5) янги технологиялар яратилади;
- 6) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади;
- 7) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.

Таълим инновационлари қўйидаги ўзгаришларга олиб келади деб изоҳ беради олим И.П.Подласый:

- педагогик тизимнинг тамомила ўзгариши;
- ўқув жараёнининг ўзгариши; - педагогик назариянинг ўзгариши;
- ўқитувчи фаолиятининг ўзгариши;
- ўқувчи (талаба) фаолиятининг янгиланиши;
- педагогик технологиянинг ўзгариши;
- таълим мазмунининг янгиланиши;
- ўқитиши шакл, метод ва воситаларининг ўзгариши;
- таълим тизими бошқарувнинг ўзгариши;
- таълим мақсади ва натижаларнинг ўзгариши. [6,26.]

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Инновацион таълим технологияларини **амалда қўллаш асосида** ўқитиши самарадорлигини ошириш шахснинг таълим марказида бўлиши ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига яхши тайёргарлик кўрган, ўз соҳасидаги билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари барча инновацион технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, уларни амалий фаолиятида қўллайдиган ҳамда биладиган ўқитувчилар керак. Бунинг учун барча фан ўқитувчилари инновацион технологиялар ва интерфаол усулларни билишлари лозим. Шундан келиб чиқиб, инновацион таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиши самарадорлигини оширишнинг амалий аҳамияти юқори бўлиб, таълим-тарбияни юксалишида муҳим ўрин тутади. Ҳар бир ўқитувчи таълим жараёнида албатта педагогик инновацион ахборот информацион, муаммоли таълим, интерфаол ва масофавий таълим технологияларидан

фойдаланиш билан бирга, талабаларнинг ҳам фаоллигини оширадиган амалий аҳамиятга эга бўлган ўйин технологияларини қўллай олсин.

Масалан: «Ақлий хужум», «Тармоқлар» («Кластер»), «Бумеранг», «Чархпалак», «Резюме», «Балиқ склети» ва бошқалар. Барча педагог-ўқитувчилар ўз фаолиятларида қуидаги инновацион технологияларни таълим жараёнида самарали қўллай олиш белгиларини намоён эта олишлари лозим:

- ўқитиш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи педагогик малакаларни шакллантириш;
- ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, гуманитар билимларни англашга йўналтирилган янги касбий тафакурни шакллантириш;
- ўқитувчи фаолиятининг методологик асоси сифатида педагогик билимлар тизимини эгаллаш;
- ўқитувчиларнинг касбий фаолиятларига яқинлаштирилган услублар тизими сифатидаги ўқитиш технологиясини эгаллаш. Инновацион таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини оширишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириклар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар. Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон таълим ресурсларидан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, инновацион таълим технологияларини қўллаш асосида ўқитиш самарадорлигини ошириш амалий аҳамиятини мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини «Электрон портфолио» тизимига киритиб бориши лозим. Зоро, шунда талабалар инновацион таълим технологияларига оид назарий билимларни мустақил равишда ўқиб-ўрганиш имкониятига ҳам эга бўладилар. Демак, инновацион фаолият янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъерининг юзага келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечишга йўналтирилган фаолият саналади.

У шахснинг, хусусан, педагогнинг инновацион жараённи ташкил этишга ташкилий-технологик, методик ва ижодий жиҳатдан тайёрлиги ҳисобига ташкил этилади. Педагогик инновацияларнинг изчил равишида педагогик фаолиятга янгиликларни олиб киришга имкон бериш орқали таълим тизими ёки жараёни мунтазам ривожланиб боради. Ўқитувчининг инновацион фаолияти педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади ҳамда у таълим жараёнининг сифатини кафолатлади.

МУХОКАМА

Модулли ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибалар замонавий шароитда нафақат таълим жараёнини ташкил этишда, шу билан бирга талабаларнинг ўқув фаолиятларини назорат қилишда ҳам инновацион характерга эга воситалардан фойдаланилмоқда. Айни ўринда ана шундай воситалардан иккитаси – ўқув портфолиоси ва «Ассисмент» технологияси тўғрисида тўхталиб ўтилади. Сўнгги йилларда замонавий таълимда педагогнинг касбий, талабанинг эса ўқув фаолиятини мазмунан

такомиллаштириш, шунингдек, ҳар икки фаолият турининг сифатини маълум кўрсаткичлар асосида етарлича, холис баҳолашга нисбатан эҳтиёж кучаймоқда. Портфолио педагог ҳамда талабанинг фаолиятига билвосита баҳо бериш, қай даражада сифатли ва самарали эканлигини таҳлил қилиш имкониятини таъминлашга хизмат қиласди. Қолаверса, портфолиолар педагог ва талабаларга уларнинг шахси, фаолияти билан турли экспертиза (текширув)лар жараёнида комиссия аъзоларини билвосита танишиш имкониятини беради. «Портфолио» инглизча сўз бўлиб, «портфел» ёки «портфеллар тўплами» маъносини англатиб, автобиографик характерга эга хужжатлар тўплами саналади. Ушбу тўплам педагог ёки талабанинг шахси, фаолиятининг турлари, эришилган ютуқлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни беришга хизмат қиласидиган индивидуал папка саналади. Умуман олганда, портфолио ҳар бир педагог ёки талабанинг максимал даражада эришган ютуқлари, уларнинг ижодий имкониятлари, қизиқиши ҳамда қобилиятларини ёритади. Бошқача айтганда, портфолио педагог ёки талаба учун ўзига хос реклама. [6,42.]

1. Ўқув портфолиоси. Бугунги кунда хорижий мамлакатлар тажрибасида кенг кўлланилаётган назорат воситаси бўлган ўқув портфолиоси қуидаги имкониятларга эгалигига кўра амалий аҳамият касб этади: - кўп функциялийк ва ўзининг шахсий мувафақиятини баҳолаш; - индивидуал мувафақиятлар мониторингини амалга ошириш; - имтиҳонни ташкил этиш; - таълим натижаларини холис белгилаш; - таълимиy мувафақиятлар ҳамда қўшимча натижаларни аниқ кўра олиш; - талабанинг мавжуд имконият ва қобилиятларини, унинг кучли ва кучсиз томонларини кўра олиш, шахсий, касбий ҳамда ижодий салоҳиятига етарлича баҳо бериш. Моҳиятига кўра ўқув портфолиолари бир неча турга бўлинади. Улар: Хужжатлар портфолиоси (бунда талабанинг индивидуал таълимиy муваффақиятлари акс эттирувчи диплом, фахрий ёрлик, гувоҳнома ва бошқалар жамланади). Ишлар портфолиоси (унда талаба томонидан бажарилган ижодий ишлар, лойиҳалар, тадқиқотлар, уларнинг натижаларини акс эттирувчи рейтинг дафтарчаси, ижодий иш дафтари, электрон хужжатлар, моделлар, лойиҳалар, ижтимоий, ишлаб чиқариш, педагогик амалиётга доир ҳисоботлар, талаба томонидан мустақил ёки гуруҳдошлар билан ҳамкорликда тўплаган адабиётлар, даврий нашрларнинг ксеронусхалари, иллюстрациялар жой олади). Натижалар портфолиоси (бунда талабанинг ўзи ёки педагоглар томонидан жамланган талабаларнинг энг яхши ишлари ўрин олади; натижалар портфолиоси индивидуал ва гуруҳли бўлиши мумкин; ушбу портфолиода акс этган маълумотлар асосида «Энг яхши талабалар гурухи» танловини ташкил этиш мумкин). Баҳоловчи портфолио (у талабанинг билим, қўникма ва малакаларини назорат қилиш мақсадида шакллантирилади; бу турдаги портфолиодан назорат ишлари, тестлар, чизмалар, кроссвордлар ва бошқалар ўрин олади). Тақризлар портфолиоси (бунда талаба томонидан эришган ютуқларни баҳолашга доир хуроса, тақриз, резюме, эссе, тавсиянома ва тавсифномалар жамланади) On-line портфолио (бу каби портфолио турли шаклларда намоён бўлади; масалан:

- 1) талабалар томонидан олий таълим муассасаси ёки факультет сайтига материалларни қўшиш;
- 2) шахсий веб-сайтларни яратиш;
- 3) семестр якунлари бўйича ҳисобот тайёрлаш. Портфолиолар яратилишига кўра ҳам турлича бўлади. Яъни улар электрон, босма ва қофоз вариантларда яратилади. Қайси

вариантда портфолиони яратишни субъектнинг ўзи танлайди. Портфолиода талабанинг жорий, оралиқ ва мустақил ишлари бўйича бажарган топшириқлари, уларга қўйилган ўзлаштириш баллари ҳам жамланиб борилади. Портфолио юргизиш талабанинг семестр (курс) ва ўкув муддати давомидаги ўзлаштириши, мустақил иш топшириқларини мунтазам равишда бажариб борганлиги тўғрисидаги далилий хужжат ҳисобланади. Портфолио педагогик жараёнда педагогга талабанинг эришаётган ютуклари юзасидан мониторингни олиб бориш имкониятини яратади ва ўзлаштириш балларининг ҳаққоний, ишончли бўлишини таъминлайди. [10,28.]

Талабага эса билим даражасининг қайдаражадалигини, унинг динамик ўсишини кузатиб бориш, касбий жиҳатдан шахсан ривожланиш даражасини мустакил баҳолаш учун зарур шароитни яратади. Талабалар қандай шароитларда портфолиоларни шакллантиришлари керак? Қуйидаги ҳолатларда талабалар томонидан портфолиоларнинг шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Истиқболли иш ўрнига эга бўлишда (раҳбарият ва ҳамкаслар ёш мутахассис билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар).
2. Илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда (тадқиқот натижаларини патентлаштириш имкониятини таъминлайди).
3. Фан олипиадаларда иштирок этишда (олипиаданинг турли босқичларида талабанинг имкониятларини баҳолаш ва чамалашга муваффақ бўлинади).
4. Номдор ҳамда Президент стипендиясига талабгор бўлишда (танлов хайъати талабанинг имкониятларидан тўла хабардор бўлади).
5. Шахсий мақсадларни амалга оширишда (қўшимча фаолият тури билан шуғулланишда ҳамкорларга талаба шахсини яқиндан таништириш имкониятини яратади). Мазкур технологиянинг яратилиш тарихи ўтган асрнинг 30-40- йилларига бориб тақалади. Дастрлаб технология мавжуд ҳарбий вазиятларни тўғри баҳолай оладиган, ҳарбий ҳаракатлар жараёнини самарали бошқарадиган, зарур ўринларда оқилона ҳаракатни ташкил эта оладиган инглиз ҳамда немис ҳарбийлари орасидан билимдон, тадбиркор, маҳоратли ҳарбийлар, шунингдек, офицерларни танлаш мақсадида қўлланилган.

Кейинчалик ушбу технология тадбиркорлик соҳасига ҳам самарали татбиқ этилди. Технология биринчи марта 1954- йилда «AT&T» компанияси томонидан тадқиқот дастурларини амалга ошириш доирасида қўлланилган. Тўрт йилдан сўнг малакали менежерларни танлаш мақсадида қўлланила бошланган технология негизида тадбиркорлар психологлар билан ҳамкорликда мазкур технология ёрдамида ишлаб чиқариш, савдо, майший хизмат қўрсатиш корхона ҳамда ташкилотлари учун малакали мутахассисларни танлаш хизмати – «Ассесмент-марказ» («The Assessment Centre»)ни йўлга қўйилди. 1960 йилда «IBM», «Standart oil of Ogayo», «Sears Robax» каби йирик америка компаниялари ўз фаолиятларига технологияни самарали татбиқ этдилар. Агарда 1980 йилда 2000 та фирма «Ассесмент-марказ» асосида малакали мутахассисларни танлашни маъқул қўрган бўлса, айни вақтда бу технология ўн минглаб корхона, ташкилот, фирма ва компанияларда самарали қўлланилмоқда. Айни вақтда ишлаб чиқарувчи ва савдо компаниялар малакали менежерларни танлаш мақсадида мазкур технология таълим тизимиға ҳам самарали жорий этилди. Унинг ёрдамида талабаларнинг билим, қўникма ва малакалари даражаси ҳар томонлама, холис баҳоланмоқда. Айни вақтда Республика таълим муассасаларида талабаларнинг билим, қўникма ва малакалари камида тўртта

топшириқ бўйича баҳоланмокда. Масалан: Изоҳли лугат Муаммоли вазият Ижодий иш Тест Шундай қилиб, замонавий шароитда Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимида хорижий мамлакатлар амалиётида фаол қўлланилаётган илғор педагогик технологияларни самарали қўллаш имконияти юзага келди. [10,82.]

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўқитувчининг инновацион фаолияти эса талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади. Қолаверса, ушбу фаолият таълим жараёнининг сифатини ҳам кафолатлади. Шу боис ҳар бир ўқитувчи инновацияларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олиши зарур. Бунга эришилганда таълим жараёни ҳам сифат ҳам самарадорлик нуқтаи назардан тараққий этиб, унинг ривожланиши таъминланади.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий тахлил, қатъий тартиб - интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. -104 б
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси. -Т.: Ўзбекистон, 2017. Б-164.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358 сонли Қарори.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008 й.Б-242.
6. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2006 й. Б-148.
7. Байбаева М.Х. Ҳимматалиев Д.О. Модулли ўқитиш технологияси имкониятларидан фойдаланиш. -Т.: Ўзбекистон, 2017 й. Б-164.
8. Исмаилова З.Қ. Педагогика. – Т.: Молия, 2008 й.Б-144.
9. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2004 й.Б-214.
10. Ишмуҳамедов Р. Ж. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: Истедод, 2008 й.Б-264.
11. Педагогик технология ва педагогик маҳорат / С.А.Мадиярова ва б. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2009 й. Б-241.
12. Сайдахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар.– Т.:Молия, 2003й.
13. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Т.: Фан, 2006 й. Б-184.
14. Худойқулов X.Ж. Замонавий педагогик технология таълим самарадорлигининг асосидир. –Т.: Наврўз, 2012. Б-120
15. Худойқулов X.Ж. Педагогика. –Т.: Инновация-Зиё. 2021й, Б-174.

16. www.scopus.com; www.cyberleninka.ru ;
17. <http://www.library.law.northwestern.edu/home>;
18. www.press-service.uz ; www.gov.uz;
19. www.infocom.uz; www.press-uz; info
20. www.ziyonet.uz; www.tdpu.uz.